

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБИДОВА ШАХНОЗА БАХОДИРОВНА

**“ТУРКИЙ ТИЛЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН ТАРЖИМАНИНГ
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ (ЎЗБЕК ТИЛИДАН
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИГА ТАРЖИМА МИСОЛИДА)”**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Абидова Шахноза Баходировна

“Туркий тиллар учун электрон таржиманинг моделлари ва алгоритмлари
(Ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима мисолида)” 3

Абидова Шахноза Баходировна

«Модели и алгоритмы электронного перевода для тюркских языков (на
примере перевода с узбекского языка на каракалпакский язык)» 21

Abidova Shakhnoza Baxodirovna

"Models and algorithms for electronic translation for Turkic languages (on the
example of translation from Uzbek into Karakalpak)" 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

АБИДОВА ШАХНОЗА БАХОДИРОВНА

**“ТУРКИЙ ТИЛЛАР УЧУН ЭЛЕКТРОН ТАРЖИМАНИНГ
МОДЕЛЛАРИ ВА АЛГОРИТМЛАРИ (ЎЗБЕК ТИЛИДАН
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИГА ТАРЖИМА МИСОЛИДА)”**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т2080 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Нуралиев Фахриддин Муродиллаевич**
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Мухамедиева Дилноз Тулкуновна**
техника фанлари доктори, профессор

Норов Абдисант Мурадович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот: Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» 06 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй.

Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (209 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» июни куни тарқатилди.
(2021 йил «10» июни даги 17 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х. Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Э.Ш. Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А. Рахматуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрдан бошлаб компьютер лингвистикаси соҳасига оид терминлар тизимини яратиш, тартибга солиш, уларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш масаласини ўрганишга эътибор кучайди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида рўй берган улкан ўзгаришлар туфайли туркий тиллар оиласига мансуб терминларни машинали ўқитиш ва компьютер лингвистикаси нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг компьютерли моделлаштириш жараёнларини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, табиий тилнинг компьютерга йўналтирилган моделларини яратиш ва бу моделлар асосида бир қатор масалаларни ҳал этиш, табиий тилларни морфологик, синтактик ва семантик жиҳатдан автоматик таҳлил қилиш, ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш компьютер лингвистикасида муҳим аҳамият касб этади. Компьютер лингвистикаси бўйича ривожланган мамлакатлар, жумладан Россия Федерацияси, Япония, Германия, АҚШ, Хитой, Англия, Корея, Франция, Австралия ва бошқа мамлакатларда бир тилдан иккинчи бир тилга таржима жараёнини амалга оширишда фойдаланилган усуллар, моделлар ва дастурий технологияларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда классик назариялар базаси, ҳамда математик ва функционал таҳлилнинг зарур бўлимларини расмийлаштириш, ҳисоблаш математикасига асосланган замонавий дастурлаш технологиялари асосида теоремаларни исботлаш учун алгоритмик усулларни ишлаб чиқиш алгоритмлаштиришнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Савол-жавоб тизимларининг алгоритмик асослари табиий тилда маълумотларни манипуляция қилиш билан қурилган. Бу шунингдек, бир тилдан иккинчисига ўтиш билан боғлиқ алгоритмик дастурлаш муаммоси ва интеллектуал тизимларни яратиш учун алгоритмик асосларни қуриш ва бошқаларни ўз ичига олади. Алгоритмик банкларда ахборот қисмларини тўлдириш ва уларнинг операцион қисмлари учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Туркий тиллар оиласига мансуб ўзбек тилининг компьютерли лингвистикасини яратиш ва электрон таржимонлар фаолиятини оптималлаштириш долзарб вазифадир. Бу бизга ўзбек тилини компьютерга йўналтирилган моделларини яратишга имкон беради, яъни ўзбек тилини ўрганиш, билимларни баҳолаш, ўзбек тилидаги матнларни синаб кўриш, компьютерга матнларни овозли киритиш, матнларни таҳрирлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини англатади.

Республикамизда икки тилли электрон таржимонларни яратиш, соҳага оид сўзлар учун маълумотлар базасини қуриш уларнинг изоҳли матнлари корпусини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунга мисол тариқасида ўзбек тилининг лингво-мантикий модели уларнинг компьютер лингвистикасини шакллантириш, ўзбек тилининг соҳаларга оид миллий корпуси ва маълумотлар базасини шакллантириш уларнинг электрон луғатларини ишлаб чиқиш, туркий тиллар ва бошқа тиллар ўртасида

автоматик таржима моделларини ишлаб чиқиш ва бошқаларни келтириш мумкин. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...миллий контентни ривожлантириш, давлат тилидаги таълим, илмий-маърифий, ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини, мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарғиб қилиш механизмларини такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» вазифалари белгиланган. Бу вазифаларни амалга оширишда ўзбек лингвистикасининг компьютерга йўналтирилган моделларини яратиш, ҳозиргача ўзбек компьютер лингвистикасида машина таржимасига оид тадқиқотларнинг етарли эмаслиги сабабли ўзбек тилидан хорижий тилга ва аксинча таржима дастури учун ўзбек тилининг лингвистик маълумотлар базасини яратиш зарур ва булардан амалда фойдаланиш учун алгоритмлар ва дастурий воситаларни яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «...давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш» вазифалари белгиланган ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда электрон таржимонларнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, жумладан, электрон таржимон асосчиси У.Уивер, Р.Риченс, А.А.Ляпунов, Г.Г.Белоногов, В.Г.Васильев, Л.А.Гращенко, Ю.Н.Марчук ва бошқаларнинг бу борадаги ишлари қиёсий ўрганиб чиқилди. Ушбу йўналиш бўйича параллел тадқиқотлар А.И.Герцен номидаги Ленинград Давлат педагогика институтининг муҳандислик Лингвистика лабораториясида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари қиёсий ўрганиб чиқилди.

Республикамызда ўзбек компьютер лингвистикаси бўйича А.Қ.Пўлатов ва М.Х.Ҳакимов кўп тилли машина таржимаси муҳитидаги энг долзарб муаммолар, расмий грамматиканинг ўрни, расмий грамматикадан алгоритмларга ўтишда зарур бўлган механизм сифатида табиий тилларни математик моделлаштириш масаласи ва бу масалани ҳал қилиш учун яратилган сўз туркумини ҳосил қилишнинг математик моделлари, семантик базасини яратиш ҳамда ўзбек тили ва инглиз тилларининг солиштирма таҳлили бўйича илмий изланишлар олиб борганлар. Ш.А.Назиров туркий тиллар оиласига мансуб бўлган тилларни таржима қилиш учун электрон

луғатни шакллантириш ва маълумотлар базасини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширган. Ўзбек тилидаги сўзларни бўғинларга ажратиш бўйича М.Арипов ва уларнинг шогирдлари изланишлар олиб бормоқдалар. Матнни овозли таниб олиш ва талаффузида нуқсони бор болаларга ўзбек тилидаги ҳарфларни тўғри ўқишни ўргатувчи таржимон дастурлар билан М.Мусаев ва шогирдлари шуғулланиб келишмоқда.

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг ишлари ўзбек компьютер лингвистикаси тадқиқоти учун ҳозирги кунда таянч материал сифатида фойдаланиб келинаётган бўлса-да, бироқ ҳозиргача туркий тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар бўйича автоматик таржимани яратишга доир ўзбек лингвистикасининг компьютерга йўналтирилган моделлари, алгоритмлари ва дастурий мажмуалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-015 «Туркий тиллар учун электрон таржиманинг математик модели, алгоритми ва дастурий таъминоти» (2012-2014), №БВ-Атех-2018-251-сонли «Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш» (2018-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржимани амалга оширишнинг моделлари ва алгоритмлари, икки тилли электрон луғат учун маълумотлар базасини қуриш ҳамда дастурий мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки тилли электрон таржимон дастурларни таҳлил қилиш ва туркий тиллар (ўзбек-қорақалпоқ мисолида) электрон луғат учун маълумотлар базасини яратиш;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларини лексик, морфологик таҳлил қилиш, мураккаб сўз бирикмаларини ҳамда содда гап тузилмасини ҳосил қилиш, математик моделини ишлаб чиқиш;

ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун мураккаб сўз ясалишининг математик модели асосида самарали алгоритмларни, икки тилли электрон луғат ҳамда таржимон учун маълумотлар базаси асосида сўзларни қидириш ва матнларнинг ўзаро таржимасини аниқлаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

туркий тилларга оид электрон таржимон учун ҳисоблаш алгоритмларини модулли таҳлил қилиш асосида дастурлаш жараёнларини формаллаштириш ҳамда дастурий мажмуанинг IDEF0 модели, дастурий модулларнинг функционал тузилмаси ва маълумотлар базасининг инфологик IDEF1x моделини ишлаб чиқиш;

таклиф қилинган модел ва алгоритмлар асосида икки тилли ўзбек-қорақалпоқ ва қорақалпоқ-ўзбек матнлари таржимасини амалга оширадиган дастурий мажмуа ва фойдаланувчи интерфейсини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима қилувчи электрон таржимонлар, ўзбек ва қорақалпоқ тилининг лингвистик корпуслари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Туркий тиллар учун икки тилли электрон таржиманинг алгоритмлари ва дастурий мажмуасини яратиш технологияларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда лингвистик ва сонли моделлаштириш, ҳисоблаш алгоритмларини модулли таҳлил қилиш усулларидан, замонавий дастурлаш технологияларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг мантиқий лингвистик моделлари асосида уларнинг электрон луғат маълумотлар базаси яратилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг лексик, морфологик-семантик базаси асосида мураккаб сўз бирикмаларини ҳамда содда гап тузилмасини ҳосил қилишнинг математик модели ва алгоритми ишлаб чиқилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун икки тилли электрон луғат ҳамда электрон таржимон учун маълумотлар базаси асосида сўзларни қидириш ва матнларнинг ўзаро таржимасини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларида электрон таржима алгоритмларининг модулли таҳлили асосида дастурлаш жараёнларининг функционал модуллари ишлаб чиқилган;

ўзбек ва қорақалпоқ тилларига оид электрон таржима алгоритмларини дастурлаш жараёнларининг функционал модуллари асосида дастурий мажмуа тузилмаси ишлаб чиқилган ҳамда фойдаланувчи интерфейси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

икки тилли электрон луғат ҳамда таржимон маълумотлар базаси, семантик таҳлил асосида сўзларни қидириш ва матнларнинг ўзаро таржимасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

икки тилли электрон таржимонни амалга ошириш учун ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мураккаб сўзларни ясаш математик модели ишлаб чиқилган;

икки тилли электрон таржимонни амалга ошириш учун ўзбек ва қорақалпоқ тилларида содда гапларни тузиш учун математик модел ишлаб чиқилган;

маълумотлар базасининг инфологик IDEF1x ва билимлар базасининг бошқаришга йўналтирилган объектли модели ишлаб чиқилган;

дастурий мажмуанинг ишлаш тамойили ва зарурий талаблар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги икки туркий тиллар орасида содда гапларни таржима қилиш махсус дастурий тўпламдан фойдаланган ҳолда ўтказилган тажрибалар натижаларининг ишонччилигини исботлашга асосланган якуний хулосалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти икки тилли туркий тиллар ўзбек ва

қорақалпоқ тилларида таржима жараёнини амалга оширишда мураккаб сўзларни ясаш ва содда гапларни тузишнинг математик модел ва сонли алгоритмини яратиш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, яратилган математик модел ва алгоритмлар мураккаб сўзларни ясаш ва содда гапларни тузишда ишлатиладиган тегишли дастурий мажмуани ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган алгоритмлар ва яратилган дастурий мажмуа асосида:

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мураккаб сўзларни ясаш алгоритми ва математик модели асосида ишлаб чиқилган дастурий таъминот «Респект» таржималар бюросида матнларни таржима қилишда юзага келадиган камчиликларни бартараф этишда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 33-8/1255-сон маълумотномаси). Натижада умумий иш фаолиятининг фойдали иш коэффициенти 90%га ошишига имкон берди.

Ўзбек ва қорақалпоқ тилларида содда гапларни тузиш алгоритми ва математик модели асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «FARMA PRINT NUKUS» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 33-8/1255-сон маълумотномаси). Натижада умумий иш фаолиятининг ҳажмини вақтга нисбатан 1-2 баробар қисқартиришга имкон берди.

Ўзбек тилида мураккаб сўзларни ҳосил қилиш алгоритми ва математик модели асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа «ROBOTICS LAB FUTURE TECHNOLOGY COMPANY» МЧЖга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 19 февралдаги 33-8/1255-сон маълумотномаси). Натижада умумий иш фаолиятида сўзларни қайта ишлаш тезлигининг 50% га ошишига имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари жами 16 та, жумладан, 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий натижалари 4 та илмий ишларда эълон қилинган, улардан 3 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия қилинган журналларда, жумладан, 1 таси хорижий журналларда ва 2 таси республика журналларида нашр қилинган, Scopus базасига кирувчи журналда 1 та мақола нашр қилинган ҳамда 2 та ЭҲМ учун дастурларни расмий рўйхатдан олинганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Электрон таржимонлар ва компьютер лингвистикасининг ривожланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобининг биринчи параграфида электрон таржимоннинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари келтирилган. Иккинчи параграфида ҳозирги кунда мавжуд электрон таржимонларнинг таҳлили, уларнинг авфзал ва камчиликлари таҳлил қилинган. Учинчи параграфида туркий тиллар учун электрон таржимонларни яратиш муаммолари ўрганилган.

Бир туркий тилдан иккинчисига электрон таржима қилиш механизмини ёритишда қуйидагилар эътиборга олинади:

1. Аксарият туркий тилларда кирилл ва лотин алфавитлари ишлатилади. Ҳар бир туркий тилларда ўзига хос товушларни ифодаловчи ҳарфлар ҳам мавжуд. Масалан, ўзбек тилида кирил алифбосидаги ҳарфлардан ташқари яна тўртта ҳарф – ў, қ, ғ, ҳ ҳарфлари мавжуд. Лотин алифбосида бу ҳарфлар фарқли фонетик белгилар билан белгиланади. Худди шундай ҳарфлар бошқа туркий тилларда ҳам мавжуд. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳатто бир туркий тилларда бир нечта алифболар ишлатилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда ўзбеклар лотин графикасидан фойдаланишса, Афғонистондаги ўзбеклар араб графикасидан фойдаланишади. Шунинг учун ҳам туркий тилларнинг барча алифболарини ўзаро қўллаш лозим бўлади.

2. Ҳар бир туркий тил учун олд ва ўзакдан кейинги қўшимчаларни, яъни префикс ва суффикслар ҳамда сўз ўзаклари бўйича маълумотлар базаларини ташкил этиш керак. Худди шундай базалар келишиклар, шахслар учун ҳам яратилади. Мазкур базаларни кирилчада ва лотинчада алоҳида-алоҳида ташкил этиш лозим.

3. Ҳар бир туркий тил ва гуруҳ ичидаги тиллар учун тилларнинг формал моделини яратиш.

4. Туркий тилларнинг электрон луғатини яратиш.


5. Туркий тиллардаги синоним бирликларни қайта фразалаш учун маълумотлар базасини яратиш.

6. Электрон таржима учун дастурий таъминот функционал тўлдирмасини яратиш.

7. Электрон таржимани бошқарувчи моделини яратиш.

8. Дастурий таъминотни тестлаш ва кўриқдан ўтказиш, верификация ва волидацияларини таъминлаш.

Диссертациянинг «Туркий тиллар учун мураккаб сўзларни ҳосил қилишнинг математик модели» номли иккинчи бобида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида мураккаб сўзларни ҳосил қилувчи математик моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, мураккаб сўзларни яшаш қуйидаги схема бўйича аффиксларни ўзакка қўшиш орқали яратилади.




1-расм. Мураккаб сўз ясовчи схема

1-расмда кўрсатилган схема асосида биз ўзбек тилида мураккаб сўз яшашнинг математик моделини ишлаб чиқдик.

$$C = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \downarrow \sum_{j=1}^m a_j \oplus \downarrow \sum_{k=1}^l f_k \oplus \downarrow \sum_{r=1}^q p_r$$

Бу ерда C – мураккаб сўз, $\sum_{i=1}^n x_i$ – ҳар бир сўз x тўплам ҳисобланадиган сўз асоси, $\sum_{j=1}^m a_j$ – сўз ясовчи аффикслар, $\sum_{k=1}^l f_k$ – шакл ясовчи аффикслар, $\sum_{r=1}^q p_r$ – сўз ўзгартирувчи аффикслар, бу ерда i, j, k ва r – аффикслар ва сўз узунлиги. Бу ерда \oplus – бирлаштириш амалини, \downarrow – «боғлаш» (бирлаштириш ёки «боғланмаслик» (бирлашмаслик) амалларини билдирувчи белгилар.

Юқоридаги схема ва мураккаб сўзларни яратиш учун математик модел асосида мисол келтирамиз (2-расм).



2-расм. Ўзбек тилида сўз ясалиш схемасидан фойдаланиш мисоли

1. «мактаб» - сўз асоси, ўзак
2. «дош» - сўз ясовчи аффикс,
3. «лар» -шакл ясовчи аффикс,
4. «имиз» -сўз ўзгартирувчи аффикс.

Мисолдан кўриниб турибдики, сўз ўзбек тилининг учта сўз-қўшимчасини сўзнинг илдизига қўшиш орқали ҳосил бўлади.

Юқоридаги математик модел асосида биз ўзбек тилида мураккаб сўзларни яратиш кетма-кетлигини кўриб чиқамиз.

$$C_1 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{r=1}^q p_r(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

$$C_2 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{r=1}^q p_r(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

$$C_3 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{r=1}^q p_r(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

$$C_4 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{r=1}^q p_r(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$


$$C_5 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

$$C_6 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{r=1}^q p_r(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

$$C_7 = \sum_{i=1}^n x_i \oplus \begin{cases} \sum_{j=1}^m a_j(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \\ \sum_{k=1}^l f_k(y_i) \sim I(z), & \text{бу ерда } z = y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1} \end{cases}$$

Бу ерда $C_1, C_2, C_3, C_4, C_5, C_6$ ва C_7 – сўз асоси, $I(z)$ – битта предикат, ҳар бир z сўзи икки ёки ундан ортиқ сўз бирикмаси сифатида ифодаланади $y_0 \wedge y_1 \wedge y_2 \wedge \dots \wedge y_{i-1}$, бу ерда i – аффикс узунлиги.

Қорақалпоқ тили ҳам аглютинатив тиллар гуруҳига киради, мураккаб сўзларни ҳосил қилиш ўзбек тили каби амалга ошади (3-расм).



3-расм. Қорақалпоқ тилида мураккаб сўзларни ҳосил қилиш схемаси

Диссертация учинчи «**Икки тилли туркий тиллар учун гапларни тузишда семантик модел алгоритмларини қўллаш кетма-кетлиги**» бобида ўзбек ва қорақалпоқ тилларида содда ва мураккаб гапларни тузиш схемаси, математик модели ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Маълумки, ўзбек тилида гапда сўзларнинг одатдаги тартиби мавжуд. Бу тартибга кўра гапда эга олдин, кесим эса кейин жойлашади, аниқловчи аниқланмишдан, ҳол ва тўлдирувчи кесимдан олдин туради, демак, кесим одатда гапнинг охирида келади.


Аммо муайян услубий маънони ифодалаш мақсади билан гапдаги сўзларнинг одатдаги тартиби ўзгартирилиши мумкин, бундай ўзгарган сўз тартиби инверсия деб ҳам юритилади.

Илмий ва расмий услубларда гапда сўзларнинг одатдаги тартиби, асосан катъий сақланади. Лекин сўзлашув, бадий ва публицистик услубларда бу тартиб ўзгариши, яъни инверсион тартиб қўлланиши мумкин.

Ўзбек тилида содда ва мураккаб гаплар қуйидаги (4 ва 5-расмлар) кетма-кетликларда амалга оширилади:



4-расм. Ўзбек тилида содда гапларни тузиш схемаси



5-расм. Ўзбек тилида мураккаб гапларни тузиш схемаси

Юқоридаги схемалар асосида ўзбек тилида содда ва мураккаб гапларни ҳосил қилишнинг математик моделлари ишлаб чиқилди.

$$G_{\text{сод}} = A(x_i, \dots, x_n) \cup B(x_i, \dots, x_n)$$

$$G_{\text{мур}} = A(x_i, \dots, x_n) \cup D(x_i, \dots, x_n) \cup S(x_i, \dots, x_n) \cup K(x_i, \dots, x_n) \cup B(x_i, \dots, x_n)$$

Бу ерда $G_{\text{сод}}$ – содда гап, $G_{\text{мур}}$ – мураккаб гап, $A(x_i, \dots, x_n)$ – эга, $D(x_i, \dots, x_n)$ – тўлдирувчи, $S(x_i, \dots, x_n)$ - ҳол, $K(x_i, \dots, x_n)$ – аниқловчи, $B(x_i, \dots, x_n)$ – кесим.

$$G_1 = \left\{ \begin{array}{l} A(x_i, \dots, x_n) \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\Phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\Phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\Phi)} \oplus f_{k(\Phi)} \end{array} \right.$$

$$G_2 = \begin{cases} A(x_i, \dots, x_n) \\ K(x_i, \dots, x_n) \rightarrow a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\text{си}\phi)} \oplus P_{r(\phi)} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$

$$G_3 = \begin{cases} A(x_i, \dots, x_n) \\ S(x_i, \dots, x_n) \rightarrow P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\text{рав})} \oplus P_{r(\phi)} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$

$$G_4 = \begin{cases} A(x_i, \dots, x_n) \\ K(x_i, \dots, x_n) \rightarrow a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\text{си}\phi)} \oplus P_{r(\phi)} \\ D(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\text{рав})} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus P_{r(\text{рав})} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$


$$G_5 = \begin{cases} A(x_i, \dots, x_n) \\ D(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\text{рав})} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus P_{r(\text{рав})} \\ S(x_i, \dots, x_n) \rightarrow P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\text{рав})} \oplus P_{r(\phi)} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$

$$G_6 = \begin{cases} K(x_i, \dots, x_n) \rightarrow a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\text{си}\phi)} \oplus P_{r(\phi)} \\ A(x_i, \dots, x_n) \\ D(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\text{рав})} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus P_{r(\text{рав})} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$


$$G_7 = \begin{cases} D(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\text{рав})} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus P_{r(\text{рав})} \\ B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)} \end{cases}$$

$$G_8 = \{B(x_i, \dots, x_n) \rightarrow f_{k(\phi)} \oplus P_{r(\text{от})} \oplus f_{k(\phi)} \oplus a_{j(\text{от})} \oplus P_{r(\phi)} \oplus f_{k(\phi)}\}$$

Қорақалпоқ тилида ҳам содда ва мураккаб гапларни тузиш ўзбек тилидаги каби амалга оширилади (6, 7-расм).



6-расм. Қорақалпоқ тилида содда гапларни тузиш схемаси



7-расм. Қорақалпоқ тилида мураккаб гапларни тузиш схемаси


Диссертациянинг «**Икки тилли туркий тиллар учун электрон луғат ва таржимоннинг дастурий мажмуасини яратиш**» номли тўртинчи бобида электрон таржимон маълумотлар базасининг инфологик модели, электрон луғат ва таржимоннинг функционал модули ҳамда дастурий таъминотдан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқилган.

Кўриб чиқилаётган предмет соҳани объектлари орасида қуйидаги типдаги боғланишлар мавжуд:

1. 1:1 – объектлар билан атрибутлар орасидаги боғланиш.


Шундай қилиб, кўрилаётган масалада асосан объектлар аниқланади ва улар орасидаги боғланиш топилади, синфларга ажратилади (8-расм).

1. Таржима қилинадиган матн киритилади.
2. Таржима қилинаётган тилдаги матннинг лексикографик таҳлили: Лингвистик ва семантик атрибутларни аниқлаш.
3. Таржима қилинаётган тилдаги сўзнинг морфосемантик таҳлили: Семантик муносабатларни аниқлаш ва матнни парсер қилиш.
4. Таржима қилинаётган тилдаги гапларнинг семантико-синтактик таҳлили.
5. Семантик атрибутлар ва боғламаларни ҳисобга олган ҳолда гапларнинг онтологиясини қуриш.
6. Таржима қилинадиган тилдаги семантик тузилмаларни эквивалентларини қидириш.
7. Таржима қилинадиган тилдаги гапни семантик-синтактик тузилмасини шакллантириш.
8. Таржима қилинадиган тилдаги сўз ясовчи ва сўз ўзгартирувчиларни шакллантириш: Контекст асосида кўп қийматли сўзларнинг синтези.
9. Таржима қилинган матн.




8-расм. Ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига машина таржимасини семантик таҳлил ва генератор тизимининг схемаси


Электрон таржимоннинг IDEF0 схемаси 9-расмда тасвирланган.



9-расм. Электрон таржимоннинг IDEF0 схемаси




10-расм. Дастурий таъминот ишлашининг функционал схемаси



11-расм. Семантик таҳлил асосида таржимани амалга ошириш алгоритми

Ажратиб олинган префикс, ўзак ва суффикс мос равишда маълумотлар омборидан текширилади. Текширилгандан сўнг янги сўз хосил қилинади ва чоп этилади. Агарда жадвалдан сўз топилмаса уни шундоқ таржима матни сифатида чоп этилади (10-12-расм).



12-расм. Электрон таржимоннинг IDEF1x схемаси

Агарда таржима қилинишда фойдаланилаётган сўзлар маълумотлар базасида учрамаса фойдаланувчига огоҳлантириш беради ёки шу сўзни ўзини чиқаради.

ХУЛОСА

«Туркий тиллар учун электрон таржиманинг моделлари ва алгоритмлари (ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима мисолида)» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг лексик, морфологик таҳлил қилиш ва мураккаб сўз бирикмаларини яшаш математик модели ишлаб чиқилди, бу ўзбек ва қорақалпоқ тилларида содда ва мураккаб сўзларни ҳосил қилишга имкон берди, ушбу математик модел асосида ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун электрон луғат маълумотлар базаси ва билимлар базаси ишлаб чиқилди;
2. Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари учун мураккаб сўз яшаш математик модели асосида самарали алгоритми яратилган бўлиб, ушбу алгоритм ўзбек ва қорақалпоқ тилларида сўзларни яшаш кетма-кетлигини келтиришга имкон берди, ушбу алгоритм асосида туркий тиллар учун электрон таржимон яратиш дастурий воситаси ишлаб чиқилди;
3. Икки тилли электрон луғат ҳамда таржимон маълумотлар базаси, асосида сўзларни қидириш ва матнларни ўзаро таржимасини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган бўлиб, семантик таҳлилдан фойдаланган ҳолда ўзбек тилидан қорақалпоқ тилига таржима жараёни амалга оширилди, ушбу семантик таҳлил асосида сўзларнинг ечимлар дарахти қурилди;
4. Туркий тиллар электрон таржимон дастурий мажмуини IDEF0 модели, дастурий модулларнинг функционал тузилмаси ва маълумотлар базасини инфологик IDEF1x модели ва билимлар базасининг объектга йўналтирилган моделларини ишлаб чиқиш масаласи ечилган. Туркий тиллар учун электрон таржимон дастурий мажмуаси модуллари ва унинг таркибий қисмлари, маълумотлар базасининг тузилмаси, билимлар базасининг тузилмаси ва уларда бажариладиган ишлар белгилаб олинган;
5. Таклиф қилинган модел ва алгоритмлар асосида, икки тилли ўзбек-қорақалпоқ ва қорақалпоқ-ўзбек матнларини таржимасини амалга оширадиган дастурий мажмуа ва қулай фойдаланувчи интерфейси яратилди. Дастурий мажмуа фойдаланувчилар учун таржимани тез ва сифатли амалга оширишга хизмат қилади;
6. Яратилган дастурий восита «Респект» таржимонлик бюроси, «FARMA PRINT NUKUS» МЧЖ ва «ROBOTICS LAB FUTURE TECHNOLOGY COMPANY» МЧЖ умумий иш фаолиятининг ҳажмини вақтга нисбатан 1-2 баробар қисқартиришга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

АБИДОВА ШАХНОЗА БАХОДИРОВА

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ЭЛЕКТРОННОГО ПЕРЕВОДА ДЛЯ
ТЮРКСКИХ ЯЗЫКОВ (НА ПРИМЕРЕ ПЕРЕВОДА С УЗБЕКСКОГО
ЯЗЫКА НА КАРАКАЛПАКСКИЙ ЯЗЫК)**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных
машин, комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.1.PhD/T2080.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммад-ал Хоразми.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Нуралиев Фахриддин Муродиллаевич**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Мухамедиева Дилноз Тулкуновна**
доктор технических наук, профессор

Норов Абдисаит Мурадович
доктор философии технических наук (PhD)

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «19» июня 2021 г. в 9:00 часов на заседании научного совета DSc.13/30.12.2019.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммад ал-Хоразми (регистрационный номер № 109). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «15» июня 2021 г.
(протокол рассылки № 17 «10» июня 2021 г.).



Р.Х. Хамдамов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Э.Ш. Назирова
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

М.А. Рахматуллаев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике, начиная с двадцатого века, растет интерес к созданию, регулированию и научному изучению системы терминов в области компьютерной лингвистики. В связи с огромными изменениями в социально-политической, экономической и духовной жизни общества одной из наиболее актуальных проблем является машинное обучение терминов, принадлежащих к тюркской языковой семье, и изучение компьютерной лингвистики, внедрение процессов компьютерного моделирования. Действительно, создание компьютерно-ориентированных моделей естественного языка и решение ряда задач на основе этих моделей, автоматический морфологический, синтаксический и семантический анализ естественных языков, а также выявление их особенностей важны в компьютерной лингвистике. В развитых странах компьютерной лингвистики, включая Россию, Японию, Германию, США, Китай, Англию, Корею, Францию, Австралию и другие развитые страны, важно разработать методы, модели и программные технологии, используемые в процессе перевода с одного языка на другой.

В мире одной из актуальных проблем алгоритмизации является разработка алгоритмических методов доказательства теорем на основе современных технологий программирования, основанных на вычислительной математике, базу классических теорий, а также необходимых разделов математического и функционального анализа. Алгоритмическая основа систем вопросов-ответов строится путем манипулирования данными на естественном языке. Это также включает проблему алгоритмического программирования, связанную с переключением с одного языка на другой и построением алгоритмических основ для построения интеллектуальных систем, среди прочего. В алгоритмических банках важно заполнить информационные части и разработать программное обеспечение для их операционных частей. Актуальной задачей является создание компьютерной лингвистики узбекского языка, относящегося к семейству тюркских языков, и оптимизация работы электронных переводчиков. Это позволяет создавать компьютерно-ориентированные модели узбекского языка, то есть особое внимание уделяется изучению узбекского языка, оценке знаний, тестированию текстов на узбекском языке, голосовому вводу в компьютер, редактированию текстов.

В республике проводятся научные исследования по созданию двуязычных электронных переводчиков, созданию базы данных полевых слов, созданию корпуса их аннотированных текстов. Примеры включают лингвистико-логическую модель узбекского языка, формирование их компьютерной лингвистики, формирование национального корпуса и базы данных узбекского языка, разработку электронных словарей, моделей автоматического перевода между тюркским и другими языками и многое другое. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики

Узбекистан на 2017-2021 годы включает «...развитие национального содержания, обучение на государственном языке, научно-образовательное, совершенствование механизмов создания и продвижения современных информационных ресурсов, мультимедийных продуктов в соответствии с потребностями молодежи, внедрение информационно-коммуникационных технологий». Для решения этих задач необходимо создание компьютерно-ориентированных моделей узбекского языкознания. Из-за отсутствия исследований в компьютерной лингвистике по машинному переводу на узбекский язык необходимо создать лингвистическую базу данных узбекского языка для программного перевода с узбекского на иностранный язык и наоборот, и одним из важных вопросов является создание алгоритмов и программного обеспечения для их практического использования.

В указе Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года № ПФ-5850 «О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственный язык» говорится, что «...обеспечение того, чтобы государственный язык занял достойное место в глобальной информационной сети информационно-коммуникационных технологий, в частности, Интернет, создание компьютерных программ на узбекском языке». Настоящее диссертационное исследование послужит делу выполнения задач, установленных нормативными правовыми актами, относящимися к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

